

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК СОЛИҚ ИСЛОҲОТИНИНГ АҲАМИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ****А. М. Джураев****Қарши муҳандислик -иқтисодиёт институти Маркетинг ва талабалари  
амалиёти бўлими бошлиғи**

**Аннотация.** Тезисда, янги экологик тоза технологияларни қўллашни рағбатлантириш, эмиссия ва чиқиндиларни камайтириш, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган экологик солиқ сиёсатини амалга ошириш тажрибаси ўрганилган. Шунингдек, уни Ўзбекистонда қўллаш мақсадида, экологик солиқларнинг аҳамиятини ошириш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** экологик солиқлар, экологик солиқ ислоҳоти, экологик тўловлар, “яшил” иқтисодиёт, табиий ресурслардан фойдаланиш учун тўловлар.

Экологик солиқларнинг туб моҳияти атроф-муҳитни ривожлантиришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришдан иборат. Улар фақатгина иқтисодиётда “яшил” солиқларни қўллаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсирларни камайтириш учун иқтисодий воситалар бўлишдан ташқари, улар ҳам молиявий функцияни амалга оширадилар.

Vovenberg и Mooij (1997 йил тадқиқотлари): яшил иқтисодиётни ривожлантириш бўйича экологик солиқларнинг таъсири жуда катта эканлигини ва бундай солиқлар асосан атроф-муҳит ифлосланиши ҳамда иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ортиқча чиқиндилар билан боғлиқ эканлигини таъкидлашади [1].

Amundsen и Schb каби олимлар (1999 йил тадқиқот натижалари) эса, ресурслар нуқтаи назаридан ресурсларни сарфламаслик ва тежаш учун экологик солиқни жорий этиш зарурлигини таъкидлайдилар. Экологик солиқ сиёсати Европада экологик сиёсатнинг муҳим қисмидир ва экологик солиққа тортиш ресурслари тугатилган мамлакатлар учун қулай ҳисобланади [2].

Баъзи олимлар экологик солиқларнинг таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун эконометрик ҳисоб-китоблардан фойдаланганлар. P. Ekins, H. Pollitt, J. Barton, D. Blobel каби олимларнинг 2011 йилги илмий изланишларига кўра, Европада экологик солиқ ислоҳоти унинг таъсирини ўрганиш учун эконометрик моделлаштириш билан қўллаб - қувватланади ва уларнинг натижалари шуни кўрсатадики, экологик солиқ ислоҳоти нафақат узоқ муддатли иқтисодий ривожланишга олиб келади, балки атроф-муҳитга ҳам фойда келтириши мумкин [3].

2011 йилда экологик солиқ ислоҳотлари устида тадқиқот олиб борган олимлар Nils Axel ва James Greene: “... ҳукумат атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни камайтириш бўйича чоралар кўрмоқда” дея таъкидлашади [4].

Шанхайнинг Glorious Sun of Business and Management мактаби ҳамда Donghua Университети олимлари Chan H.L., Choi T.M., Cai Y, ва Shen, B. каби қатор олимлар, 2019 йилда олиб борган изланишлари натижасида, молиявий барқарорлик кўпчилик мамлакатлар учун асосий мавзулардан бири эканлигини кўрсатиб берганлар. Бунда, барқарорликни яхшироқ бошқариш ва рағбатлантириш учун ҳукуматлар атроф-муҳит солиғи, “яшил” технологияга сармоя киритиш учун субсидиялар, ифлосланишни камайтириш ва бартараф этиш учун ифлосланишни солиққа тортиш каби турли йўналишлардан фойдаланганлар [5].

Бу шуни англатадики, чекланган табиий ресурсларни максимал даражада тежаш учун экологик солиқ сиёсатидан фойдаланиш иқтисодий ўсишга салбий таъсир

кўрсатмайди. Экологик солиқлар Ўзбекистонда табиий ресурсларга солиқлар кўринишида ундирилади ва назарий жиҳатдан Ўзбекистон олимлари томонидан экологик солиқлар самарадорлигини янада оширишда асосланади.

Мисол тариқасида, А. Ходжаев ва С. Бобылев (1997 й.)лар мамлакат солиқ сиёсати табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашда муҳим рол ўйнашини таъкидлашади [6].

Маликов солиқ тизимининг замонавий концепцияларида табиий ресурслар солиқлари давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий платформаси эканлигини қайд этади. “Даромад ёки даромад солиқларини кескин камайтириш ёки уларни бутунлай йўқ қилиш, бу солиқларни мулк, ер ва ресурслардан олинadиган солиқлар ва йиғимларга алмаштиришдир” деб ҳисоблайди [7].

Ўзбекистон солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилишда солиққа тортишнинг экологик йўналишини кучайтириш зарур. Шунинг учун сувдан оқилона ва самарали фойдаланишни назорат қилиш ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг молиявий аҳамиятини ошириш мақсадида уни сувдан фойдаланувчи барча тадбиркорлик субъектларига қўллаш ва солиқ ставкаларини ошириш зарур.

Бизнинг фикримизча, фойда солиғида, экологик тоза технологияларга қайта жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар тўлиқ ёки қисман солиқ солинадиган базадан олинadиган фойдани назарда тутиши керак [8].

### **Библиография:**

1. Bovenberg AL, Mooij RA. Environmental tax reform and endogenous growth. J Public Econ. 1997; 63(2): 207–237
2. Amundsen ES, Schb R. Environmental taxes on exhaustible resources. Eur J Polit Econ. 1999; 15(2): 311–329
3. Ekins P, Pollitt H, Barton J, Blobel D. The implications for households of environmental tax reform (ETR) in Europe. Ecol Econ. 2011; 70(12): 2472–2485.
4. Nils Axel, James Greene (2011). “Taxation, Innovation and the Environment”. [www.oecd.org/env/taxes/innovation](http://www.oecd.org/env/taxes/innovation).
5. Chan, H.L., Choi, T.M., Cai, Y. Shen, B. 2019. Environmental Taxes in Newsvendor Supply Chains: A Mean-Downside Risk Analysis. IEEE Transactions on Systems, Man, and Cybernetics – Systems. In Press
6. Бобылев С., Ходжаев А. Экономика природопользования. //Учебное пособие. –М.: ТЕЭС. 1997. С.206
7. Маликов Т.С. Актуальные вопросы налогообложения и налогообложения. //Учебное пособие. -Т.: «Adliya» 2002. С.116
8. Джураев, А.М. Сидорова, Е.Ю. Интенсификация значимости экологической налоговой реформы в Узбекистане // Трансформация национальной социально-экономической системы России, тренд цифровые технологии: сборник научных статей аспирантов и магистрантов; составители Л. Н. Косова. – Москва: РГУП, 2021. – С. 274-279. – ISBN: 978-5-93916-899-1.